# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Дам олиш сонида:

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 112 (9.304) 1999 йил 24 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИЛДИ

***Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.***

Анжуманда партиянинг марказий кенгаши бош котиби Э. Норбўтаевнинг партия фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Таъкидландики, фидокорлар партияси ташкил топгандан буён ўтган қисқа вақт мобайнида ўз Низом ва дастурида белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб, эл эътиборини қозонди. Жамиятни уйғун ривожлантириш, унинг моддий ва маънавий бойликларини юксалтириш, эски иллат — маъмурий буйруқбозлик кўринишларига чек қўйиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида муайян ишларни амалга оширди.

Айни чоғда партия мамлакат Президентлигига ва Олий Мажлис депутатлигига сайловларга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Қурултойда партиянинг сайловолди дастури муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзоди кўрсатилди.

***(ЎзА).***

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

***Спирт, алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ғайриқонуний ишлаб чиқарилиши, улар контрабандаси ва айланиши ҳолларига барҳам бериш, бюджетга даромадлар тушумининг тўлиқлигини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Бош вазир Ў.Султонов ва Бош вазирнинг ўринбосари Б.Олимжонов томонидан «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ҳамда спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти устидан суст раҳбарлик қилинаётганлиги қайд этилсин.

Спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг раҳбарлари, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислар лавозимларини махсус маълумотга ва тегишли тайёргарликка эга бўлмаган шахслар эгаллаб туриши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ҳисоблансин.

Қонун ҳужжатларини бузиш, спирт ва вино-ароқ маҳсулотларини ғайриқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш ҳоллари давом этмоқда.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари фаолияти устидан суст назорат қилинаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги молия инспекторлари фаолиятига ҳар чоракда баҳо берсин ҳамда молия инспекторларига бириктирилган корхоналарда аниқланган ҳар бир қонун бузилишини уларнинг эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги сифатида қарасин.

3. Спирт ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг раҳбарлари, раҳбарларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари (муҳандислар ва технологлар), бош бухгалтерларини аттестациядан ўтказиш бўйича махсус идоралараро комиссия тузилсин.

Комиссия бир ой муддатда ходимларнинг кўрсатиб ўтилган тоифаларини талабчанлик билан аттестациядан ўтказсин ҳамда уларнинг сафларини касбига яроқсиз шахслардан ва жиноятчи унсурлардан шафқатсиз тозаласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси Ички ишлар вазирлиги билан

**(Давоми 2-бетда).**

## ЮРТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ



## ТИЛЛАРДА ДОСТОН

***Оламшумул, мухлислари ниҳоятда кўп шахматнинг жаҳон мамлакатларида нақадар маълуму машҳур, севимли спорт турларидан бири эканлиги сир эмас. Зеро, жаҳон шахмат тожи даъвогарлари ўртасида ўтказиладиган ҳар бир баҳс курраи заминдаги барча давлатлар аҳлининг доимий диққат эътиборида туради, уни ҳаяжон ва чанқоқлик билан томоша ва таҳлил қилиб борадилар.***

Биз ўзбекистонликлар ҳам Фишер — Спасский, Каспаров — Карповнинг баҳсларини кузатган пайтларимизда бизнинг юртимиздан ҳам ана шундай моҳир, яловбардор, бутун миллатимиз фахрланадиган шахмат устаси қачон етишиб чиқаркин, дея ширин орзуларга берилардик.

Ва ниҳоят узоқ кутилган онлар етиб келиб, истиқлолимиз осмонида чақнаган ёшин янглиғ Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат майдонига чиқди. Унинг Осиё чемпиони бўлганлигини ширин энтикиш ила кузатиб, келажакда янада катта зафарлар тилагандик. Шахсан Президентимизнинг ғамхўрликлари туфайли Рустам қулф уриб яшнади — шу йилнинг январь ойида Голландиянинг Вейк-Ан-Зе шаҳрида бўлиб ўтган супертурнирда жаҳондаги энг кучли 14 нафар шахмат юлдузлари сафида бизнинг Рустам Қосимжонов ҳам жавлон уриб, ўз иқтидору маҳорати билан бамисли Рустами достондек тиллардa достон бўлди. Ҳатто, жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ҳам Рустам билан ўтказилган баҳсдан сўнг ҳамюртимизнинг маҳорати тўғрисида илиқ фикрлар билдириб, унинг келажаги порлоқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Биз бундай нуфузли мусобақаларда қатнашишнинг ўзи ҳам унча-мунча гроссмейстерларга насиб этавермаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Рустамнинг Г. Каспаров, В. Ананд, Г. Крамник каби машҳур гроссмейстерлар билан тенгма-тенг доналар сургани ҳам ўзбек шахмат мактабининг катта ютуғи бўлди.

Ҳа, эндигина 19 баҳорни қаршилаган Рустам Қосимжоновнинг ҳали барча ғалабалари олдинда. Биз мустақил юртимизнинг довруғини бутун жаҳонга таратаётган фидойи спортчи Рустам Қосимжоновнинг шундай улғайиши давом этиб, келгусида жаҳон тожи даъвогарлари сафидан мустаҳкам ўрин олишига тилакдошмиз.

***Дилмурод ИСМОИЛОВ.***

***СУРАТДА: Рустам Қосимжонов.***

*Рустам Шарипов олган сурат.*

## Хабарингиз борми? «Обуна — 2000» бошланди!

### ЯНГИ ЙИЛДА — ЭСКИ ҚАДРДОНЛАР БИЛАН

***Мана ниҳоят, азиз муштарийлар, узоқ ва орзиқиб кутган обуна мавсуми ҳам бошланди. Демак, 2000 йил учун ўзингиз севиб ўқийдиган вақтли нашрларга, газета ва журналларга обунани расмийлаштириш дамлари келди.***

Лекин ишончимиз комилки, бизнинг садоқатли дўстларимиз бўлган Сизлар янги йилда ҳам ўзингиз севиб ўқийдиган пойтахт «Оқшом» газеталарига биринчи бўлиб обунани расмийлаштирасиз.

**Шуни айтиш керакки, қарийб 35 йиллик фаолияти мобайнида «Тошкент оқшоми» газетаси ўзининг ҳақиқий муштарийларига эга бўлди. Бизнинг газетамиз ажойиб дўст ва дилкаш суҳбатдошга айланди.** Ана шу боисдан ҳам биз газета саҳифаларида шаҳримиз, республикамиз, жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликларни, ранг-баранг ахборотларни эълон қилишга, «Ойнаи жаҳон» дастурларини, тижорат хабарлари ва бошқа эълонларни ёритишга интилмоқдамиз.

Маълумки, жорий йилдан бошлаб биз Сиз, азиз муштарийлар билан бевосита мулоқотни яна йўлга қўйишга қарор қилиб, «Ишонч телефони»ни жорий қилдик. Бу билан биз айрим муаммоларни ечишда Сизга ёрдам беришга интилмоқдамиз, Сизларнинг таклиф ва истакларингизни, маслаҳатларингиз, танқидий фикрларингизни ҳам инобатга олмоқдамиз.

**Бизнинг «Оқшом» газетамизга турли ёшдаги — етти ёшдан етмиш ёшгача бўлганлар, жамиятимизнинг турли қатламига мансуб кишилар обуна бўлишлари мумкин.** Улар келгуси йилда энг сўнгги янгиликлардан воқиф бўладилар, ўзлари севиб ўқийдиган туркум мақолаларни мутолаа қиладилар, фан, адабиёт ва санъат намояндалари билан учрашадилар, маънавият ва маърифат бўйича, соғлиқни сақлаш, узоқ умр кўриш сирлари, оила даврасида фарзандлари тарбияси, аёлларимизга маслаҳатлар, қўйингчи, бири-биридан рангбаранг мавзудаги ёритилган мақолаларни мунтазам ўқиб борадилар. **Келгуси йилда биз кўпгина рукнларимиз ва туркум материалларимизни ўзгартириб, уни ранг-баранг қилишни ўйламоқдамиз.** Буларнинг ҳаммаси Сиз, азиз муштарийлар манфаати йўлидаги бизнинг интилишларимиздир. **Шундай экан, келинг дўстлар, «Тошкент оқшоми»га обуна бўлишни танлаш Сиздан — йил бўйи эса Сиз, қадрдон дўстлар билан бирга бўлиш бизидан!**

# ЖАВОҲИРЛАР САНДИҒИ

*Донишмандлар хазинасидан*

# ХОЖА ВА КАНИЗАК

*(Охири. Боши газетанинг 109-сонида)*

Шундан кейин кема шаҳарга яқинлашди. Кемани дарёнинг қирғоғига келтириб қўйиб, ҳар ким ҳар қаёққа тарқалди. Мен бироз кутиб турдим. Бирор соатдан сўнг канизаклар ташқарига чиқдилар. Мен дарҳол ичкари кириб, канизакнинг торини олиб, унинг созини бошқа созга қўйдим. Бу созни мендан бошқа одам чала олмас эди. Мен торни яна ўз жойига қўйиб ўрнимга қайтдим.

Ниҳоят кема аҳли қирғоқни сайр қилиб бўлгач, қайтиб келдилар. Ўша тун ойдин эди. Ойнинг ёғдуси кечани кундек ёритиб турарди. Кема аҳли канизакдан «Шундай ойдин кечада ўз қайғу-ҳасратларинг билан бизни вақтимизни олиш ўрнига, бизга мезбонлик қилсанг нима бўлади?» деб илтимос қилдилар. Канизак қўлига торни олиб, камончани торга тегизиши биланоқ нола қилиб: «Худо ҳаққи, бу созни менинг хожам созлабди, у албатта биз билан шу кемададир», деди.

«Кошкийди хожанг шу кемада бўлса, оҳ-нолани камроқ қилардинг ва биз сенинг хуш овозингдан баҳраманд бўлардик. Аммо бу ерда бегона кишининг бўлиши гумон, — деди басралик йигит ва қайиқчиларга қараб, бирор бегона кишини кемага олганмисизлар?» деди. Қайиқчилар «йўқ» деб жавоб бердилар. Мен басралик йигитнинг қайиқчилар сўзига ишониб, мен ҳақимда қайта суриштирмай қўйишидан қўрқиб овоз бердим: «Эй хожа сен суриштириб, қидираётган киши мен бўламан!».

Шу пайт олдимга бир қул келиб, мени ўз хожасининг ҳузурига бошлаб борди. Басралик йигит менинг аҳволимни кўриб раҳми келди ва мендан сўради. «Бу қандай ҳол?».

Мен ўз аҳволимни бошидан охиригача ҳикоя қилдим. Басралик йигитдан тортиб кемадаги барча кишиларнинг менга раҳми келиб, кўп йиғладилар. Ичкаридан канизакнинг йиғлаган товуши қулоғимга эшитиларди. Мен ғам-аламли қиссамни тугатганимдан сўнг басралик йигит қасамёд қилиб, деди: «Мен бу канизакнинг сендан сотиб олганимдан буён унга қўл тегизганим йўқ ва унинг хуш наволаридан ҳеч баҳраманд бўлганим йўқ. Мен давлатманд кишидурман. Бағдодга ашула ва мусиқа эшитиш ҳамда томоша қилиш ҳаваси билан келган эдим. Халифа матлабимни берди. Бағдоддан қайтаётиб, бағдодлик созанда канизаклардан бирини сотиб олиб ўзим билан бирга олиб кетишга қарор қилдим. Басрага боргач, бошқа канизаклар билан бирга гоҳогоҳо менга соз чалиб берса, деган умид билан ушбу канизакни олдим. Эндиликда сизларнинг аҳволарингиз менга маълум бўлди. Сен асло ғам ема. Мен у вақт йиғлаганни суяб қолишни, ёхуд бирор бечораҳолга эҳсон қилишни истардим. Худони гувоҳ қилиб айтаманки, Басрага етиб боргач, канизакни озод қилурман ва сенга хотинликка берурман. Шунингдек, барча асбоб-рўзғорингни муҳайё қилурман. Аммо бир шартим бор, агар шунга вафо қилсанг...»

«У қандай шарт экан?» деб сўрадим. «Шарт шулки қачонки менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса уни ўзинг билан бирга олиб келасан ва у парда ортидан мен учун соз чалиб, тараннум қилади. Уйга қайтаётганингда яна ўзинг билан бирга олиб кетаверасан», деди.

Мен унинг оёқлари остига йиқилиб, унинг ҳақига дуо қилгач: «Мени йўқлик дунёсидан яна қайта ҳаётга қайтарган ва ҳалокат чангалидан қутқарган кишига қандай қилиб йўқ дейман...» дедим.

Шундан сўнг қулни чақириб, менинг кийимларимни алмаштиришга буюрди. Олдимга яхши таомлар келтиришди. Мен у иноъм қилган кийимларни кийиб, унинг ҳузурига бордим ва энг яқин кишилари қаторидан жой олдим. Канизак хурсандлик билан тараннум қилар ва шароб сўраб ичарди. Мен канизакдан энг яхши ва жозибали мусиқа ва ашулалардан тараннум қилишини илтимос қилардим. Канизак эса кетма-кет тараннум қиларди. Кема аҳлининг ҳаммаси ғоятда шод-хуррам эдилар.

Кема ҳамон дарёда равон сузарди. Ниҳоят, Муаққад (шўх) дарё деган мавзеъга етдик. Ҳамма маст ва ақлдан озган эди. Кемани дарё қирғоғига чиқардилар. Мен бирор соат уйқуга кетиб, ўша ерда ухлаб қолибман. Кема аҳли эса кемани сувга тушириб жўнаб кетибди. Мен ғафлатда қолган бахтим туфайли, тонг отиб, қуёш чиқиб ҳарорати менга таъсир қилгунга қадар ухлаб қолибман. Дарё бўйига келиб, ҳеч кимни учрата олмадим. Шунингдек, кемада шунча кун бирга сузиб, басралик йигитнинг ном-насабини ҳам сўрамаган эканман. Унинг Басранинг қайси мавзесида яшашини ҳам билмас эдим. Ранж ва машаққат яна бир марта ўзини кўрсатди. Мен дарё бўйида бехуш бўлиб йиқилдим. Бир оздан сўнг ўзимга келдим. Бироқ ҳолдан тойган эдим. Ҳар дам ўзўзимга дердим: «Шунча кўрганларимни тушда кўрдиммикан?».

Ниҳоят бир қайиқ мен томондан ўтиб қолди. Овоз қилдим. Қайиқни дарё қирғоғига келтирдилар ва мен қайиққа ўтирдим. Басра келдим. Басра улкан шаҳар бўлиб, халқи кўп экан. Мен у ерда ғариб эдим. Ҳузурига борай десам ақалли бирор танишим ҳам йўқ эди. Мен саройга тушдим ва бундан кейин нима қилишимни билмай ҳайронликда қолдим. Кўлим ва қалбим дилдор огзи каби тор, чунки эса худди ёрнинг хипча белидек нозик ва ингичка эди. Бирор танишга учратиш умидида кун бўйи шаҳарни кездим. Ногоҳ кўзим бағдодлик йигитга тушди. Мени у билан танишлигим бор эди. Ундан савол қилмоқчи бўлдим, бироқ ҳаё йўл қўймади. Унинг орқасидан бориб, уйи қаердалигини билиб қайтдим.

Баққоллик дўконига бориб, бироз қоғоз билан сиёҳ олдим ва баққолнинг ҳузурида ўтириб ўз аҳволимни бошдан охиригача ёздим. Баққол менинг хатимни кўргач, маъқул тушиб, менинг аҳволимдан сўради. «Давлатмандликдан қашшоқликка юз тутган бир кишиман. Бу шаҳарга ғариб бўлиб келганман. Тирикчилигим оғир аҳволдадир. Бинобарин қандай бўлмасин зарурат юзасидан бир кишига хат ёзмоқдаман. Шояд менга тамадди бўлгудай бирор нарса эҳсон қилса», дедим.

«Агар хизмат қилмоқчи бўлсанг, менинг дўконимдаги ҳар куни кирим ва чиқимни ёзиб турасан. Бу хизматинг эвазига ҳар кун ярим дирҳам ҳақ тўлайман. Бундан ташқари, овқатинг ва кийимингни ҳам бериб тураман», деди баққол.

Ниҳоят, мен баққолнинг хизматига киришга розилик бердим. Хатни эса йиртиб ташладим. Бир ой давомида баққол дўконининг кирим-чиқимини ҳисобга олиб бордим. Мендан аввал дўконга ишга олинган қуллар хиёнат қилиб, баққолнинг кийимлари ва молларини ўғирлар эканлар.

Бир ой давомида дўконнинг кирим-чиқимини ҳисоблаб, ёзиб баққолнинг олдига қўйдим. Баққол чиқимнинг оз ва кирмнинг кўпайганини кўргач, мени омонатга хиёнат қилмаганимни фаҳмлади. Бу хизматим учун менга кўп ташаккурлар айтиб, кундалик иш ҳақимни бир дирҳам қилиб белгилади.

Шундай қилиб, мен баққолнинг хизматида қолдим. Шароитга қараб иш олиб борганим туфайли, баққолнинг менга ихлоси ошди. Унинг қизини ўз никоҳимга киритишимни мендан илтимос қилди. Мен рози бўлдим. Мен унинг қизини никоҳимга киритдим ва бир неча вақт бирга яшадик. Бу давр ичида мен шикаста дил ва ғамгин бўлиб юрардим ва бирор соат йиғидан ўзимни тўхтата олмас эдим. Қачон шаробхўрликка чақирисса албатта рад қилардим ва дердим: «Шароб ичмасликни азиз-авлиёлар руҳига назар қилганман».

Икки йил шу тариқа ўтди. Кунлардан бир кун барча кўнгул очадиган томоша асбобларини кўтариб шаҳар дарвозаси томон кетаётган бир гуруҳ кишиларни учратдим. Бу ҳолни кўриб, улардан сабабини сўрадим. Улар: «Бугун мажусийлар ҳайитидир. Барча ҳангоматалаб кишилар Иблага томошага борадилар», деб жавоб бердилар.

Бу гапдан сўнг мен ҳам томошага бормоқчи бўлдим. Томоша вақтида басралик йигитнинг хос кишиларидан биортасини учратиб қолсам деган умидда эдим. Ушбу мақсадни кўнглимга тугиб, баққолдан ижозат сўрадим. У ижозат бериб, яхши таомлар тайёрлаб берди. Қул билан бирга кемага ўтириб, Басранинг Ибласига бордим, йўлда кемалар кўп, одамлар эса ундан ҳам кўп эди. Кемалар орасида басралик йигитнинг ўша кемасини кўрдим. Кемада мен кўрган кема аҳлининг барчаси ўтирар эдилар. Улар бир неча хушовоз хонанда ва созандалар, шунингдек, хушбичим хушрафторлардан ўзлари билан бирга олиб, дарёнинг ўртасида ўйин-кулгига машғул эдилар. Уларни кўргач шодлигимдан ақлим бошимдан учиб кетди. Тортган машаққатларим эсимдан чиқди. Ғам-андуҳ лашкарини қувлаб, ўзимни улар томонга отдим. Улар мени кўриб худога ҳамду сано айтдилар. Улар мени ўз хузурларига олиб бориб, ҳол-аҳвол сўрадилар. Ўз қиссамни бошдан охиригача шарҳладим.

Ўша кечаси кемадан ташқарига чиққанимдан сўнг тонготарда кемани сувга тушириб йўлга равона бўлдик. Сен эса соҳилда қолиб кетдинг, деб сўз бошладилар кема аҳли. Сени қанчалик қидирсак ҳам топа олмадик. Қайиқчилар, сени ўша тунда қаттиқ маст ҳолда дарёга тушган эди, сувга ғарқ бўлган бўлса ажаб эмас, дедилар. Канизак бу сўзни эшитгач, кийимларини йиртиб, торни ерга уриб синдирди. Сочларини юлиб, чандон фарёд чекдики, жамики қуллар ва баликчиларнинг унга раҳми келди. Биз унга тасалли бериб: «Сизларни бир-бирингизга қўшмоқликка хожангга ваъда берган эдик. Аммо тақдир тақозоси бунга вафо қилмади. Энди сенинг учун нима қилайлик», дедик.

Канизак биздан илтимос қилиб: «Мени Басрада бир уйга қўйинг. Ҳар куни оз-оз тамадди бериб туринг. Уйнинг ичига бир қабр ясашга ижозат беринг. Токи, мен кечаю кундуз ушбу байтул-аҳзоннинг мулозими бўлай. Шояд бу тошга айланган жоним, тан қафасидан бир йўла озод бўлиб, руҳ қуши тан қафасини синдирса», деб қора кийим кийиб, кўз ёшини селдек қуярди, дедилар.

Биз ўша куни ўша ерда бўлиб, эртаси Басрага қайтдик. Мени канизак ҳузурига олиб бориб, унинг уйига киритдилар. Бечора канизак мени кўриши ҳамоно наъра тортиб, хушидан кетди. Ўша ерда ҳозир бўлганлар: «Магар канизакнинг жони танидан парвоз қилган бўлса керак», — деб гумон қилдилар. Бирор соатдан сўнг ўзига келгач, бир-биримиз билан қучоқлашиб, бошдан кечирган ғам-кулфатларимизни ҳикоя қилишдик.

Шундан сўнг, басралик йигит менга шундай деди: «У сенинг ҳукмингдадир, ўзинг билан бирга олиб кет!», «Эй хожа, уни озод қилиб, сўнгра биз учун бир қасри олий бунёд қилиб, барча рўзғор асбобларимизни муҳайё қилиб беришга қарор қилган эдинг...» дедим. У барча сўраганларимизни бериб, яна беш юз динор олтин берарқан: «Мен Басрага етиб келган кунимиздан бошлаб, сен учун эҳсон ажрата бошлаган эдим. Энди вақт-соати келди, бу йиғилган маблағни олиб, ўз эҳтиёжингга сарфла!» деди. Яна мен билан канизакни ҳар ойда муайян маош белгилаб, шартимиз аввалгидек қолади. Қачонки менда унинг ашуласини эшитиш иштиёқи туғилса, парда орқасида туриб, мен учун соз чалиб, тараннум қилсин. Қайтаётганингда яна бирга олиб кетаверасан!

Басралик йигитнинг биз учун қурган қасрига бордик. Ўша ерда яшай бошладик.

*Форсчадан Тургун ФАЙЗИЕВ тақдими.*

---

# 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*Шогирдлар — устозлари ҳақида*

## БЕБАҲО МЕҲНАТ МЕВАЛАРИ



*Ҳаётдаги энг ҳузур-ҳаловат адо этилган бурчдан завқлидир. Ўз бурчини сидқидилдан адо этган одам қувончи билан ўзини мукофотлайди, бировларнинг мақтовли, иззат-икромли, миннатдорчилигига ҳам зор бўлиб ўтирмайди. Бу каби яхши фазилатлардан бетакрор баҳраманд бўлган, ўзининг бутун умрини мактабга, ёшлар тарбиясига бахшида этган устоз Фахриддин ота Нуриддиновдир.*

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари, кўплаб орден ва нишонлар соҳиби, Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси Фахриддин ота Нуриддинов 85 ёшга тўлдилар.

Уларнинг меҳнат фаолиятлари 1932 йил ўқитувчиликдан бошланди. Собир Раҳимов туманидаги 71, 130, 11-мактабларда директор, илмий бўлим мудири лавозимларида ишлаб, ўз Ватанига фидойи инсонларни тайёрлади. Унинг мингдаб шогирдлари ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг турли соҳаларида учратиб дил-дилингиздан қувонасиз. Жумладан, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Абдували Абдуваҳобов, кимё фанлари доктори Абдусапи Йўлчибоев, таниқли ёзувчи, Олий Мажлис депутати Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари номзодлари Анвар Шомақсудов, Улугбек Долимов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходимлари Солиҳ Ёқубов, Мираббос Мирзааҳмедов, Носир Рихсиев, Насрулло Ҳикматиллаев, шоирлар Юсуф Шомансур (марҳум), Рауф Толипов, Карим Раҳимов, маҳоратли шифокорлар Қаҳрамон Авазов, Анвар Рўзиев, Ўзбекистон халқ маорифи фидойилари Озода Яминова, Муяссар Раҳимова, Мурод Ғанихўжаевларнинг чинакам ғайрат соҳиби бўлишларида домланинг пандънасиҳатларини турмуш чорраҳаларида синаб кўрдилар, эл севадиган истеъдодли, меҳнатга муҳаббатли зиёлилар бўлиб танилдилар.

Инсон фарзандини камолга етказиш, оқ қорани танитиш, жамият учун фойдали шахс қилиб тарбиялашнинг машаққатини ҳис қилиш учун Фахриддин ота Нуриддинов кўп алломаларнинг китобларини мутолаа қилди, изланишда тиним билмади. Ўзининг фикр ва мулоҳазаларини Республика газеталари, жумладан «Тошкент оқшоми» саҳифаларида баён этди. Унинг икки жилддан иборат мингдан зиёд мақолалар тўплами шахсий кутубхонасида сақланмоқда. «Оила даврасида», «Бола тарбияси ҳақида суҳбатлар», «Қарс икки қўлдан», «Ахлоқ-одоб мавзусида», «Ўқитувчи ўйлари», «Оила ва мактаб», «Оилавий анъаналар» рукни остида газета саҳифасини безаган мақолалари мазмуни ва тарбиявий жиҳатидан муҳим аҳамият касб этди. Бунинг устига «Донолар бисотидан» йиғиб бораётган мақол ва ҳикматли сўзлардан гурунгларда, учрашувларда шоирона фойдаланишидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

— Мана ёшим 85 га ҳам етди. Аммо ҳали ёшларга, ўқитувчиларга айтадиган гапларим кўп, — дейдилар биз билан суҳбат чоғида Фахриддин ота Нуриддинов (мақола муаллифининг ҳам мураббийси). — Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач болалар тарбиясига бўлган талаб ва эҳтиёж ўсди, ўз она юртига садоқатли ёшларни етиштириш учун мақола ва лавҳалар ёритиш ниятидаман. Биласизми, умримнинг учдан икки қисми синфда, болалар дунёсида ўтди. Салкам 50 йил ичида улардан қанчадан қанчасини мустақил ҳаётга йўллаб, элга наф теккизганим учун Мустақиллик меваси менга ҳам насиб этди, Ватанимизнинг «Шуҳрат» медали билан мукофотландим.

Ўз касбининг ҳақиқий «академиги» Фахриддин ота қариликни ҳали бўйинларига олганлари йўқ. Бу тиниб-тинчимас инсоннинг жамоатчилик юмушлари жуда кўп. Тошкент шаҳридаги 10 га яқин маҳалла оқсоқоллари домланинг шогирдлари. Улар маросимларга устозларини тез-тез таклиф қилиб туришади. Бунинг устига Собир Раҳимов туманидаги 11-мактаб ва 81-боғча ота-оналар кенгашининг раиси, 30 йилдан зиёд умрини «Ачабод» маҳалласининг фаоли сифатида сарфлаб келмоқда.

Бағри кенг, шоир табиат Фахриддин ота Нуриддинов ўзининг босиб ўтган мазмунли ҳаётидан мамнун. Оилавий тарбиянинг пойдевори фарзандларига тўғри сабоқ беришдир. Чунки халқнинг бахт-саодати болаларни одилона тарбиялашга боғлиқдир. Устоз умр йўлдоши билан 5 нафар ўғил-қизларни уйли-жойли қилди. 30 га яқин невара ва чеваралар даврасида ширин ҳаёт кечиришяпти. Ҳавас қилса арзигулик қизлари Қундузхон ва Раъноxон шифокор, Озодахон — иқтисодчи, Фатхиддин — доришунос, Баҳодир — ошпазлик касби билан эл дуосини олиб келяпти.

Кексалик гаштини суриш — ҳар бир инсоннинг эзгу орзусидир. Дастурхон атрофида шукроналик билан яқинларининг ва фарзандларининг дуои жонини қилишлик нима етсин. Ана шулар ҳақида ўйларканман домланинг камтарлиги, инсонийлиги, иймони поклиги уни элга машҳур этганлиги ҳақида гувоҳлик беришдан фахрланаман. Фахриддин ота табаррук ёшни қаршилаган бўлса ҳам юрагида ғайрат ва шижоат энди қайнагандек туюлади. Табаррук устозга қўлимизни кўксимизга қўйиб таъзим қиламиз.

**Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

**СУРАТДА: Фахриддин ота Нуриддинов.**

**Равиль Маҳмутов олган сурат.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 4-бетда).

## РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.10 — Янгиликлар.
8.15, 18.45 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Шошилинч ёрдам». Сериал.
9.40 «Мавзу».
10.25 «Женни Голливудга боради». Комик сериал премьераси.
10.50 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!»
12.15 Э. Радзинский. «Сталин жумбоқлари». 2-қисм — «Ўхшаш».
13.00 Ҳужжатли детектив. «Погонли қонхўрлар». 1995 йилги иш.
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 Мультсеанс.
14.30 «Қойилмақом давра».
14.50 «Чангалзорлар даъвати».
15.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
15.45 «Катта танаффус». 3-серия.
17.20 «Маски-шоу».
17.50 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 «Инсон ва қонун».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 «Қора наҳанг». Жангари фильм.
22.40 «Цивилизация» дастури.

## РДТ

5.30—8.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.15, 22.45 — «Навбатчи қисм».
8.20, 10.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
9.00 «Миледи». Телесериал.
9.50 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Менинг оилам».
12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00, — «Вести».
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 00.20 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультфильм.
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида». Телесериал премьераси.
19.25 «Ўз-ўзига режиссёр».
20.45 «Мусиқали ринг — янги авлод».
22.30 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.
23.00 «К-2» студияси коллекциясидан. «НЮ» дастурида Александр Блок қизининг сири».

## ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.10, 23.45 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.40 — «Кимки...»
10.25 «Мазаси оғзингда қолади» кўрсатуви.
10.50, 11.50, 16.15 — «Харидингиз учун ташаккур» теледўкони.
11.00, 19.55 — «Золушка ва шаҳзода». Сериал.
12.05 ТВ-6 кинотеатри. «Версачининг ўлдирилиши».
13.45, 16.05 — Мультфильм.
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.30 Мультсериал.
18.10 «Шерли Холмс саргузаштлари». Сериал.
18.40, 00.55 — «Диск-канал».
19.30, 00.15 — «Оловдаги Грейс IV». Сериал.
21.00, 24.00 — Шу куннинг янгиликлари.
21.20 «Одамлар оламида».
21.40 «Мен ўзим» ток-шоуси.
22.45 «Қотил даъвати». Сериал.
01.30 «Ҳиссиётлар изҳори». Сериал.
02.05 «Сифат белгиси».

# ПАЙШАНБА, 30

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Япон тили».
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
10.50 Кундузги сеанс: «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
12.05 «Ўзбек зиёлиси».
12.25 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.55 Ватан тимсоллари.
13.00 «Изҳор». Мусиқий дастур.
14.10 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас мерос».
14.50 «Қиёфа».
15.20 «Меҳр қолур».
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм 14-қисм.
16.00 «Ғаройиб бола». Бадиий фильм.
17.25 Эстрада тароналари.
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ
18.10 Болалар учун. «Фарзанд — умид юлдузи».
18.25 «Тўртинчи ҳокимият».
18.45 «Таянч нуқтаси».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар. «Миллий тикланиш партияси».
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
22.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.35 «Сомон йўли».
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85 -қисм.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Тил ва дил».
19.55, 20.25, 23.10. Эълонлар.
20.00 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.30 «Мезон».
20.50 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Муносабат».
21.20 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.35 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00. «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Мусиқий глобус».
23.15 «Ёшлар» телеканалида. Спорт дастури: 1. Футбол. Чемпионлар лигаси 2. «Спорт қитъаси».
01.15 «Хайрли тун!»

## ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 Мусиқий дақиқалар.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 5-6-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Ханда дўкони».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сарафроз». Мусиқий кўрсатув.
21.45 Тошкент ва тошкентликлар.
22.00 «Яхши кайфият».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Сени излаб».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

*

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4»да «Немис тўлқини».
16.00 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Рақслар драмаси».
16.30 «Мультчархпалак».
16.45 «Уорлднет» янгиликлари.
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
17.50 «Океан ортига саёҳат. Япония».
18.00 «Макаллум». Телесериал.

РЖТ

18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.55 Футбол. УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва)- «Люнгбю» (Дания)

*

23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.45 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм. 1-серия.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Таниш чеҳралар». Мусиқий дастур.
10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.30 «Морена Клара». Телесериал.
11.20 Тонгги киносеанс.
13.00 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.10 Кундузги киносеанс.
15.30 «Объективда ҳайвонлар». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун». Тележурнал.
16.50 «Айбдорлик». Телесериал.
17.35 «VIP» студиясининг меҳмони».
17.50 «Хит-коктейль».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Олтин қафас». Телесериал.
19.25 «Висол».Мусиқий дастур.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Дўстлар даврасида». Мусиқий-дам олиш дастури.

## РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.30 — Янгиликлар.
8.15, 18.45 — «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Маски-шоу».
9.40 «Инсон ва қонун».
10.25 «Женни Голливудга боради». Комик сериал премьераси.
10.50 Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!»
12.10 Э. Радзинский. «Сталин жумбоқлари». 3-қисм — «Ғолиблар ҳалокати».
12.55 Евгений Петросяннинг «Кулги панорамаси».
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 Мультсеанс.
14.30 «Сезам кўчаси».
15.00 «Етти ташвиш — бир жавоб».
15.15 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
15.45 «Катта танаффус». 4-серия (якунловчи).
17.15 «Қаламбур». Ҳажвий журнал.
17.45 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 Биринчи канал премьераси. «Жараён».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.55 Футбол УЕФА кубоги. «Локомотив» (Москва) — «Люнгбю» (Дания).
23.00 Сергей Шолоховнинг «Осойишта уй» дастурида «Хрусталев, машинага чиқ!».

## РДТ

5.30—8.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.15, 22.55 — «Навбатчи қисм».
8.20 «Ле-Монти» савдо уйи.
8.30 «Спорт аренаси». Тележурнал.
9.00 «Миледи». Телесериал.
9.50 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
10.50 «Гомеопатия ва саломатлик».
11.00 «Урмас Отт Владимир Семаго билан».
12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 00.20 — «Дивандаги дўкон».
15.30 Мультфильм.
16.20 «Минора».
16.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.30 «Венера кўзгусида» телесериал премьераси.
20.45 Джекки Чан «Бронксдаги тортишув» жангари фильмида (АҚШ).
22.35 «Халқ билишни хоҳлайди». Публицистик ток-шоу.
23.10 «Подиум д'Арт».
00.35 «Қизиққон ўнлик».

## ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга».
9.45, 19.10, 23.45 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «ТСН-6».
10.10, 00.40 — «Кимки...».
10.25 «Сиз — шоҳидсиз».
10.50, 11.50, 13.40, 16.20 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00, 19.55 — «Золушка ва шаҳзода». Сериал.
12.05 «Қотил даъвати». Сериал.
16.05 Мультфильм.
16.35 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 Мультсериал.
18.10 «Шерли Холмснинг саргузаштлари». Сериал.
18.40, 00.55 — «Диск-канал».
19.30, 00.15 — «Оловдаги Грейс IV». Сериал.
21.00, 24.00 — Шу куннинг янгиликлари.
21.20 «Одамлар оламида».
21.40 «ОСП-студия».
22.40 «Пси-фактор». Сериал.
01.30 «Ҳиссиётлар изҳори». Сериал.
02.05 «Сифат белгиси».

# ЖУМА, 1

## ЎзТВ I

***«Меҳр нури» Муҳтарам телетомошабинлар! Соат 9.00 дан 18.00 гача Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган узлуксиз теледастур.***

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Имом ал-Бухорий». Ҳужжатли фильм.

* * *

18.00 «Бананлар». Мультфильм премьераси.
18.10 «Устоз». Ҳ. Ҳамидов.
18.30 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.55 «Саҳна устаси». Т. Хўжаев.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Сайловлар ва сиёсий партиялар «Фидокорлар» Миллий демократик партияси.
21.25 «Баркамол авлод орзуси».
22.05 «Сизга таъзим , устозлар!»
23.05 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Муаллим». Видеофильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ҳар соҳага саёҳат»)
18.25 «Ёшлар ва маънавият».
18.40 «Қизим, сенга айтаман».
18.55 «Сизга таъзим». Мураббийлар қутлови.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси».
19.50, 20.20, 22.45 - Эълонлар.
19.55 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.25 «Аср қиёфаси».
20.40 «Садо 99» Байрам-мусиқали дастур.
21.55 «Сизга таъзим». Мураббийлар қутлови.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Садо-99» (давоми)
00.05 Синема. «Хизматкор». Комедия.
01.50 «Мунаввар тонг истаб!»

## ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Кўнгил тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. Том Сойернинг саргузаштлари. 1-серия.
10.55 «Спорт оламида».
11.10 «Яна бир учрашув».
11.35 «Ёввойи табиат».
12.25 Ёқимли оҳанглар.
12.45 Кинонигоҳ. «Икки шаҳар қиссаси».
14.15-14.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Бор эканда, йўқ экан». Манзарали фильм.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».
18.55 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 7-8-сериялар.
19.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
20.00 «Саломатлик чорраҳасида».
20.10 «Камертон».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 Катталар учун эртак.
22.00 «Мусиқий меҳмонхона».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар
23.55 Кинонигоҳ. «Леон».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00

*

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

*

15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт-клуб».
15.55 Хитой телевидениеси ҳафталиги. «Таншаню — 23 ёшда».
16.25 СНН-шоу.
16.40 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига. «Болалар олами».
16.55 «Бу ажиб дунё».
17.10 «Мультчархпалак».

РЖТ

17.25 «Джентльмен-шоу».
18.00 Ҳужжатли детектив.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 Время.

*

20.55 «Макаллум». Телесериал.
22.10 «Дурдаршан».
22.30 «Вести».
23.00 Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига. «Дил изҳори».
23.30 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
23.35 Кинематограф. «Эдит ва Марсель». Бадиий фильм. 2-серия.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-КАНАЛ

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30, 13.45, 18.00, 19.50, 01.40 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».
10.00 Болалар канали.
10.20 Болалар учун фильм.
11.40 «Карапуз-ТВ».
12.00 «Тушки кино».
14.15 «Капалаклар ороли». Ёшлар учун сериал (Австралия).
15.00 «Ҳали намойиш этилмаган премьера».
17.00 Мусиқий дастур.
18.30 «30-канал»да кинооқшом.
20.20 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Бажаришнинг имкони йўқ». Саргузашт сериал.
24.00 «Бедорлик».

## РЖТ

5.00 «Хайрли тонг!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 23.00 — Янгиликлар.
8.15 «Севги йўлида». Сериал.
9.15 «Қаламбур». Ҳажвий журнал.
9.40 «Жараён».
10.25 «Женни Голливудга боради». Комик сериал премьераси.
10.30 «Хонаки кутубхона».
11.15 «Хайрли кун!».
12.15 Э. Радзинский. «Сталин жумбоқлари». 4-қисм — «Ўлимми ёки қотиллик».
13.00 «Сиҳат-саломатлик».
13.30 «Биргаликда» дастури.
14.15 Мўъжизалар мамлакати. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Мультфильм.
15.15 Маргарита Терехова ва Валентин Гафт «Кундузги поезд» фильмида.
17.20 «Жентльмен-шоу».
17.50 «Шу ерда ва ҳозир».
18.00 Ҳужжатли детектив. «Петровкада истило». 1996 йилги иш.
18.35 «Ширин воқеалар».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.55 Буюк изқуварлар. Лейтенант Коломбо «Стивен Спилберг ёрдамга шошилмоқда» детективида.
22.20 «Эҳ, Семеновна!» Бутунроссия лапарлар суперкубоги.

## РДТ

5.30 — 8.20 «Хайрли тонг, Россия!».
7.15, 23.40 — «Навбатчи қисм».
8.20, 10.50 — «Гомеопатия ва саломатлик».
8.30 «Балиқ ови ҳақида мулоқотлар».
9.00 «Миледи» Телесериал.
9.50 «Сирларимизнинг ёзи». Телесериал.
11.00 «Саломатликка!». Ток-шоу.
12.00, 16.00, 18.00, 20.00, 24.00 — «Вести».
12.20 «Икки рояль».
13.10 «Антонелла». Телесериал.
14.05 «Ёввойи фаришта». Телесериал.
15.00, 00.20 — «Дивандаги дўкон.
15.30 Мультфильмлар.
16.20 «Минора».
16.55 «Иш кўрилмоқда». Маслаҳатчиларнинг телевизион суд мажлиси.
18.30 Агата Кристи. Пуаро. «Қирол ёқутининг ўғирланиши». (Буюк Британия).
19.25 «Шаҳарча».
20.45 «Олчазор боғ» спектаклининг режиссёр-постановкачиси Леонид Трушкиннинг кириш сўзи.
20.50 Антон Чеховнинг Леонид Трушкин саҳналаштирган «Олчазор боғ» спектакли премьераси.

## ТВ-6

7.55, 14.05 — «Кундан-кунга.
9.45, 19.10, 01.10 — «Йўл назорати».
10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00 — «ТСН-6».
10.10, 01.25 — «Кимки...»
10.25 «СВ — шоу».
10.50, 11.50, 16.05 — «Харидингиз учун ташаккур!» теледўкони.
11.00, 20.00 — «Золушка ва шаҳзода». Сериал.
12.05 «Бизнинг мусиқа: Алена Апина».
13.05 «Пси-фактор». Сериал.
16.40 «Оддий Мария». Сериал.
17.25 Мультсериал.
18.10 «Шерли Холмснинг саргузаштлари». Сериал.
18.40 «Диск — канал».
19.35, 02.55 — «Оловдаги Грейс V». Ҳажвий сериал. 1 серия.
21.00 Шу куннинг янгиликлари.
21.25 «Ҳафта можаролари».
21.55 ТВ-6 кинотеатри. Кристофер Ламберт иштирокида жангари фильм.
24.00 «Шу куннинг олти янгилиги».
00.20 «Обоз».
01.40 «Радиохит».
02.45 «Сифат белгиси».

# ШАНБА, 2

## ЎзТВ I

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 Телевизион миниатюралар театри.
10.15 «Илм олами: XXI аср бўсағасида».
10.35 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
10.55 Кундузги сеанс: «Буланка»меҳмонхонаси». Бадиий фильм.
12.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
12.50 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.10 «Зийнат».
13.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.40 «Ринг». Спорт дастури.
15.10 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур.
15.40 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 15-қисм.
16.00 «Инсон — ҳаёт гултожи».
16.25 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.00 Болалар учун «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25,19.55, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
21.30 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.00 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
22.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «Насаф» (Қарши)
23.25 «Ахборот».

**«Тунги ёғду».**
**Дам олиш дастури.**

23.55 «Куй ва тасвир».
00.15 «Қотиллик пайидан». Бадиий фильм. 5-6 сериялар.
01.45-01.50 Ватан тимсоллари.

## ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув», «Ҳар соҳага саёҳат»)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 84-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
11.00 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Буюк юрт фарзандиман».
11.50 «Мусиқий лаҳзалар».
11.55 «Кинотақдим».
12.15 «Эски альбомдан».
12.20 «Ёшлар» телеканалида.
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Танишинг: Обид Муҳаммедов.
13.15 «Муносабат».
13.35 «Спорт қитъаси». Теннис.
14.05 «Мусиқий глобус».
14.25 «Шу куннинг мавзуси».
14.45 «Ёш Индиана Жонс ҳаётидан». Телесериал.
15.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.00 «Ёшлар» телеканалида.
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Олтин калит»)
18.40 «Ёр ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.30-Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.0 «Матбуот».
21.10 «Мусиқий лаҳзалар».
21.15 «Кутилмаган меҳмон» .
21.35 «Сир».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.50 «Мафтункор чеҳралар».
23.10 «Мусиқа теграсида».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.35 Синема . «Амакиваччам Винни».
01.30 «Хайрли тун!»

## ЎзТВ III

8.45 Кўрсатувлар дастури.
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.00 «Тонгги пойтахт».
9,30 «Ханда дўкони».

(Давоми 6-бетда).

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

*Диллашув*

# АКТЁРЛИК — МЕҲНАТ, МАШАҚҚАТ...

*Ҳожиакбар Нурматов деганимизда даставвал майин, ёқимли наво таралгандай бўлади. Чунки унинг овозида аллақандай сеҳр бор. Бу овоз қайда янграмасин — театр саҳнасидами, ойнаи жаҳондами — дарров жозибаси билан ўзига тортиб, киши беихтиёр диққат билан қулоқ тута бошлайди. Яқинда санъаткор ўзининг самарали хизматлари учун Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони билан тақдирланди. Мухбиримиз шу муносабат билан унинг ҳузурида бўлиб қайтди.*

**— Ҳожиакбар ака, мана 35 йилдан буён саҳнадасиз. Актёр — ким ўзи у?**

— Актёрлик касбига кўпчилигимиз енгил-елпи қараймиз. Аслида актёрлик — меҳнат, машаққат ва азоб дегани. Саҳна — кўпчиликнинг иши, бир ёқадан бош чиқариш керак.

**— Сизга қаерда роль ижро этиш ёқади: кинодами, театрдами?**

— Бунинг мен учун фарқи йўқ. Менинг касбим актёрлик. Агар режиссёрлар лозим топиб маълум бир ролни таклиф этишса, демак улар менда ана шу образни кўришган. Улар ана шу қаҳрамонимни муваффақиятли ижро этишимга ишонишади ва бу нарса менга қанот бағишлайди.

**— Ҳамза театри деганимизда энг аввало кўз ўнгимизда Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева каби буюк санъаткорлар сиймолари гавдаланади. Сиз ҳатто улар билан бирга ишлаш бахтига муяссар бўлган актёрлардансиз. Сиз уларни хотирлаганда нималар хаёлингиздан кечади?**

— Ҳақиқатан ҳам бу улуғ даргоҳда жуда кўп буюк санъаткорларнинг изи қолган. Уларнинг ҳар бири катта мактаб, катта китоб. Ҳар қанча варақласанг ҳам тугамайдиган хазина. Ёдимда, Олим Хўжаев «Қорни оч одам яхши роль ўйнайди, қорни тўқнинг фақат ухлагиси келади» дегувчи эдилар. Ўшанда бу сўзларга ҳайрон бўлиб, қандай қилиб оч одам саҳнага чиқа олади, дегандим. Энди чуқурроқ ўйлаб қарасам бу сўзларда ҳикмат кўп экан. Олим Хўжаевдаги зиёлиликнинг юксак нуқтаси ва биринчи шарти бўлган ички маданият, Шукур Бурхондагидек ҳаётийликка, саҳнада яшашга ва ёнишга интилиш, салмоқдор овозини унутиб бўладими?! Уларни хотирласам вужудимда аллақандай ички титроқ туради. Улардан актёр учун керак бўлган нарсани, жумладан роль устида ўйлаш, фикр юритиш, ҳатто айтиш мумкинки, саҳнада қандай туриш, қандай овқатланиш кераклигигача ўргандим.

**— Дарҳақиқат, ҳозирги ёш артистларни устозлар институтларда ортиқча ўзларига ишонтириб қўядилар.**

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Биз кўп йиллар мобайнида эришган зинапояларга улар бир сакрашда чиқиб олишмоқчи бўлишади. Ўзлари осмонда бўлишади-ю асардаги кичикроқ эпизодни тасвир этиб, сўзсиз тушунтириб беролмайди. Менимча, олийгоҳда меҳнат, машаққат, сабр-тоқат, чидам дарсларини ҳам ўргатиш керак.

**— Ҳожиакбар ака, бир калима сўзни ҳар ким ҳар хил талаффуз этади ва эшитгувчи ҳам турлича қабул қилади. Биз истасак-истамасак-да, ширали, майин овоз ҳаммага бирдек ёқади. Радио тўлқинлари орқали жаранглаган Қодир Маҳсумов, Левитан овозларини ҳали кўпчилик унутганича йўқ. Айтингчи, театр актёри учун овоз керакми?**

— Тўғри, овозлар ҳар хил. Лекин гап овознинг гўзаллигида эмас, сўз юракдан тўғри айтилса, овоз барибир чиройли чиқади. Агар Сиз овознинг фақат тембрини кўрсангиз, унинг юзаки томонинигина кўрасиз. Ҳар бир сўзни айтишда ҳам айтиш бор. Ахир бекорга халқимизда «Сўздан сўзнинг фарқи бор, етмиш икки нархи бор» деб айтишмайди-ку!



**— Биз биламизки, мамлакатимизда кино санъати юқори даражада ривожланган. Бир пайтлари дубляж ҳам ўзининг юқори чўққисига кўтарилган. Ҳатто, айтиш мумкинки, айрим бадиий фильмлар аслидагидан ҳам гўзалроқ, мукаммалроқ чиққанди. Аслида дубляж ҳам кишидан катта маҳорат талаб этади. 1500 дан зиёд фильмларга овоз берган санъат фидойиси сифатида айни кундаги дубляж фаолиятидан кўнглингиз тўляптими?**

— Йўқ, ҳозирги дубляждан кўнглим тўлмайди. Бизда ҳозир дубляж йўқ ҳисоби. Айтиш мумкинки, биз телесериалларга овоз беряпмиз. Овоз бериш билан дубляжнинг ўртасида эса фарқ анчагина. Дубляжда овоз бераётган қаҳрамонингизнинг ҳолатига тушишингиз, иложи бўлса ундан-да таъсирлироқ гапиришингизга тўғри келади. Оғизнинг очилишидан тортиб, сўзнинг якунланишигача, лаб ҳаракатига мос тушишдек жуда катта тайёргарликни талаб этади. Овоз бераётган қаҳрамонингиз кулса кулиб, йиғласа йиғлашингизга тўғри келади. Овоз берилганда эса қаҳрамонларнинг лаб ҳаракатларига айнан мос тушиши шарт эмас.

Энди яна савол туғилади: Нега «Морена Клара» каби саёз фильмлар ойнаи жаҳонда намойиш этиляпти? Қани, айтингчи, нега бизни халқимиз кемтик бўлиб қолиши керак? Нега улар дунё кино санъатидан бебаҳра қолиши керак? Нега жаҳон таниган санъаткорларнинг ижодларини улар билмаслиги керак? Одамлар уларнинг яшаш тарзларини кўрсинлар, ўргансинлар, мушоҳада қилсинлар, билимлари кенгайсин деб биз қимматли вақтларимизни шу ишга сарфлаяпмиз. Фақат ўзимизда тайёрланган киноасарлари билан чекланиш албатта нотўғри бўлур эди.

**— Ҳозир қандай роль устида ишлаяпсиз?**

— Яқинда «Филини» деб номланган бадиий фильмда сценарийчи Маҳмуд ролини ўйнадим. Ҳадемай томошабинлар ҳукмига ҳавола этилса керак. Шу кунларда суратга олиш бошлаб юборилган «Шайтанат» видеофильмининг янги серияларида қатнашмоқдаман.

Суҳбатдош Маъпура НАБИЕВА.

*Тадбирлар*

## МУҲИМ МАВЗУДА

Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар Республика илмий-услубиёт маркази томонидан «Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва унумли ўтказишда маданият ва истироҳат боғларининг тутган ўрни» мавзуидаги маданият ва истироҳат боғлари раҳбарларининг Республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Давра суҳбатининг асосий мавзуи «Маданий-маърифий муассасаларга ва маданият-истироҳат боғларига кўрсатадиган амалий-услубий ёрдамни янада такомиллаштириш», «Ёшларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтказишда маданият ва истироҳат боғларининг асосий вазифалари», «Маданият ва истироҳат боғларини иқтисодий томондан иш фаолиятларини такомиллаштириш ва ўз-ўзларини маблағ билан таъминлаш», маданий-маърифий тадбирлар самарасини янада ошириш кабилардан иборат бўлди.

Дилором ИКРОМОВА.

*Сўраган эдингиз...*

## НЕЧТА МУЗЕЙ БОР?

*Дам олиш кунларида фарзандларим билан пойтахтимиздаги истироҳат боғларида дам олишни яхши кўраман. Бундан ташқари ўғил-қизларимни шаҳримиздаги музейларга олиб бориш ниятидаман. Шу боис хам Тошкент шаҳрида қандай музейлар борлиги ҳақида маълумот берсангиз.*

Гулчеҳра ОБИДОВА,
Собир Раҳимов
тумани.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида 8 та йирик ва бир нечта уй музейлари мавжуд бўлиб, улар ҳамшаҳарларимиз ва юртимизга ташриф буюрган меҳмонларнинг энг қутлуғ зиёратгоҳларига айланиб қолган. Улар қуйидагилар: Темурийлар тарихи давлат музейи, санъат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, амалий санъат музейи, табиат музейи, Алишер Навоий номли давлат қўлёзмалар музейи, санъат тарихи музейи, миноралар давлат музейи, Ғафур Ғулом, Ойбек, Сергей Есенин уй-музейлари.

Дилноза ҒИЁСОВА.

*НАЗМ*

## ЎЗБЕКИСТОНДАДУР

**(Катта ашула йўлида)**

*Истиқлол берган хуррам замон Ўзбекистондадур,*
*Меҳнат гаштин сурмоққа даврон Ўзбекистондадур.*

*Келинг аҳли шуаро, бастакор, олим арбоблар,*
*Эркин ижод қиларга имкон Ўзбекистондадур.*

*Лутф-эҳсонда беназир, меҳмонни эъзоз айлаган,*
*Дастурхони шай, сахий мезбон Ўзбекистондадур.*

*Боғлари жаннат макон, водийлари гўзал диёр,*
*«Ўхшаши йўқ бир ажиб бўстон»[1] Ўзбекистондадур.*

*Бепоён сарҳадларин хушёр ўғлонлар сақлагай,*
*Эл-юртга содиқ, марду майдон Ўзбекистондадур.*

*Элимга ғурур, юртга кўрк, қуввати дини ислом,*
*Бухорои шарифдек ошён Ўзбекистондадур.*

*Минг офарин бу гулшан булбули хушнавосига,*
*Янги «Хамса»[2] — беш қутлуғ достон Ўзбекистондадур.*

*Шод Усмон замондан ки буюк бобом Темур ҳислат,*
*Одил раҳнамо, улуғ Инсон Ўзбекистондадур.*

1. Ҳ. Олимжон достонидан олинган
2. Б. Бойқобиловнинг янги асари

## САЛОМЛАРИНГДАН

*Кўз учида берган нозли саломларингдан,*
*саломларингдан.*
*Ширин забон ила деган каломларингдан,*
*каломларингдан.*

*Санг, бедард, ишқи йўқ кўнгилни ҳам ром этиб,*
*Саҳна узра қилган шўх-шўх муқомларингдан,*
*муқомларингдан.*

*Ҳис-туйғуни уммон каби тўфон айлаган,*
*Жозибали рақсу нозик ҳиромларингдан,*
*ҳиромларингдан.*

*Бу усули ўйин ила жон ўрташими, ё*
*Ташна дийдорларга берган оромларингдан.*
*оромларингдан.*

*Ҳур дер бир ошиғин, бири эса маҳлиқо,*
*Ошиқлардан олган мумтоз мақомларингдан,*
*мақомларингдан.*

*Мафтун бўлиб Усмон, етди боши осмонга,*
*Дилни сархуш этган жилва иномларингдан,*
*иномларингдан.*

Усмон ЭГАМБЕРДИ.

# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Ўригидан данаги ширин

*Ҳаракат хавфсизлиги*

## ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Маълумки, транспорт оқими тиғизлашгани сайин болалар ўртасида юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳам кўпайиб бормоқда. Хусусан, 1998 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида болалар иштирокида 419 та ЙТҲси рўй берган бўлса жорий йилнинг шу даврида бундай ҳодисалар сони 452 тага етди. Шаҳримизда ўтказилган «Диққат, болалар!» тадбири ҳам йўлларда болаларимиз хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилгани бежиз эмас.

Шаҳар йўл ҳаракати назорати бошқармасида туманлардаги мактаблар раҳбарлари ва ўқитувчилари, йўл ҳаракати назорати бошқармаси шахсий таркиби иштирокида ўтказилган бевосита мулоқот ҳам айнан шу долзарб масала — йўлларда болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси бошлиғи Р. Даминов, шаҳар ИИББси бирлашган матбуот хизмати раҳбари А. Эрназаров, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Рўзиқулов, ушбу бошқарма етакчи мутахассиси О. Мамасолиевлар болалар иштирокидаги ЙТҲлари кўпаяётганини ташвиш билан қайд этишиб, бунинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Халқ таълими бош бошқармаси ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг охирги сессиясида қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунни кенг тарғиб қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, мактабларда автомайдончаларнинг йўқлиги жиддий муаммо эканлиги, бундан ташқари йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш юзасидан мактабларда жорий этилган 17 соатлик дастурни янгилашнинг аллақачон вақти етганлиги тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Ўйлаймизки, ҳар бир мактабга Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ҳодими қатъий бириктирилганлиги ушбу муаммонинг ечимини енгиллаштиради.

Мулоқот сўнгида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

*Саломатлик*

## ОЗОДАЛИКНИ САҚЛАНГ

***Вабо — ўткир ичак инфекциялари ичида жуда оғир ва хавфли, тез юқувчи касаллик ҳисобланиб, у инсон организмида бош оғриғи, қайт қилиш, тез-тез ич кетиши билан кечади. Касалликка чалинган бемор кўп суюқлик йўқотади. Иштаҳаси йўқолиб дармони қурийди. Оғир ҳолатларда мушаклар тортилиши, тутқаноқ тутиши кузатилади.***

Пашшалар касаллик тарқатишда бош омил ҳисобланади. Улар чиқиндилардаги микробларни ташувчи ҳисобланиб, озиқ-овқатларни зарарлантиради. Касаллик баъзида жуда оғир ўтади ва ноxуш ҳолларга олиб келиши мумкин, шунинг учун касалликнинг биринчи белгилари — ҳолсизлик, кўнгил айниш, қусиш, ичнинг тез-тез суюқ келиши пайдо бўлганда, тезда шифокорга мурожаат қилиб керакли ёрдамни олиш лозим.

Касалликни даволашдан унинг олдини олиш осон. Шу боисдан овқат тайёрлаш ва озиқ-овқатларни истеъмол қилишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш, пашшаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик, мева-сабзавотларни тоза сувда ювиб истеъмол қилиб, сувни қайнатиб ичиш, очиқ ҳавзаларда чўмилмаслик касалликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Насиба АЛАКБАРОВА,**
**1-юқумли касалликлар клиник шифохонаси шифокори.**

*Маслаҳатлар*

## БОДРИНГ ТУЗЛАШ

***Тузланган бодрингни ҳамма яхши кўради. Айни вақтда ҳар бир хонадон соҳибаси қишда истеъмол қилиш учун шиша банкаларга бодрингни тузлаётган бўлса керак. Агарда ҳали тузлаш ишларини бошламаган бўлсангиз ҳаракатни бошланг.***

Тузланган бодрингнинг хосиятли томонлари жуда кўп. Уни жуда шўр қилмасдан 2—3 кунда тайёр бўладиганини кундалик истеъмол учун ҳам тузлаш мумкин. Бодрингнинг тузланганни ҳам, маринадланганни ҳам саломатлигимиз учун фойдали. Айниқса пешоб йўли бўш ҳамда буйрак хасталиги билан бетобланганларга анча ёрдам беради.

Бодрингни тузлаш учун, албатта хрен барги, укропнинг найча қисми, қора мурч, саримсоқ, лавр япроғи, сирка, туз керак бўлади. Тез тайёр бўладиган бодрингни тузлаш учун сирли идиш тайёрлаб, унга аввал номлари келтирилган масаллиқлардан озгинадан, унинг устига бодрингни ва яна бодрингнинг устидан бир сидра ўша масаллиқлардан солансиз. Нам шўр сувни устидан қуйиб идишингизнинг қопқоғини маҳкамлаб ёпиб қўясиз. Қарабсизки, 2—3 кундан кейин ним шўрли тузланган бодринг ейиш учун тайёр бўлади.

**Гулбаҳор МЎМИНОВА**
**тайёрлади.**

*Шарқ дурдоналари*

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

◆ Форс юртида бир шаҳар бўлиб, уни Истахриж деб атадилар. Шу шаҳарда бир хазинани топиб олдилар. Хазина ичида бир лавҳа (насиҳат ёзилган тахта) олтиндан қилинган эди. Унда паҳлавий тилда насиҳатлар ёзилган бўлиб, уни форс тилига таржима қилган эдилар. Мана ўша насиҳатлар:

«Инсонга ҳамма нарсани тутиш осон, аммо ўзини тутиш қийин. Меҳр ва шафқати йўқ одамга ҳаёт ва ўлимнинг фарқи йўқ. Энг пасткаш одам шундай одамки, қўлидан келса ҳам бировнинг ҳожатини чиқармайди. Биров ҳақида ёмонлаб гапиргандан кўра, сенга ёмон гапирган яхшироқ. Шармандали одам шундай одамки, қиламан деб ваъда қилади, биламан деб лоф уради, аммо қўлидан ҳеч нарса келмайди».

◆ Луқмон ҳаким ўз ўғлига насиҳат қилиб деди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут, одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига қулоқ сол, одамлар сўрашса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи осилтириб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма. Меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан кўп ўтирма.

Хусуматдан узоқ бўл, жангу жанжалдан қоч, сенга иш буюрсалар — бажар, ваъда қилсанг — албатта, бажар. Ҳеч кимни ранжитма».

◆ Искандар юнон еридан сафар қилиб кетар экан, ўз устоди Арастуга деди: «Эй устод, менга насиҳат сўзларидан айтсангиз! Арасту унга деди: «Доим илм ол, илм ўрганишдан ҳеч вақт ор қилма! Байт:

***Илм ўрганишдан тинма ҳеч қачон,***
***Илмсизлик ўти куйдирар ёмон!***

Иззат ва обрўйим ошсин десанг, ҳеч қачон ноҳақ ишга қўл урма! Ишларим доимо яхши ва тартибли бўлсин десанг, фақат ўз мақсадингни ўйлаб иш қилма! Ўз айбингни билишга интил, чунки айбли одам ҳар ерда ожиз бўлади. Ҳамма ерда фикр ва тадбир юзасидан иш тут, айбингдан огоҳ қилган кишиларга ғазаб қилма».

Арасту шу насиҳатларни айтиб, Искандар билан хайрлашди.

Эй ўғлим, агар сен дунёда бахту саодат топай десанг, менинг бу панду насиҳатларимга амал қилиб, шу асосда иш тут. Сен қанчалик доно бўлмагин, ўзингни доно дея тасаввур қилма, шунда яна ҳам донороқ бўласан. Нима билсанг уни бошқаларга, аммо илмни ўз жойида ишлатишни бил. Сўзни қисқа гапир, беҳуда такрор қилмагинки, такрор — умрни беҳуда сарф қилишдир. Оддий одамларга оддий гапир, донолар билан донолика хос гаплаш, ҳар одамнинг фаҳму фаросатига мослаб гапир, одамнинг фаҳму фаросатини эса унинг гапидан билиб оласан.

Кишининг гўзаллиги либосида эмас, балки тилидадир Ҳар нарсага адолат кўзи билан боқ, оқибат ҳақни ноҳақдан ажратишни ўрганасан. Нима эшитсанг, унга амал қилишдан эҳтиёт бўл. Ишларда ўртача йўл тут. Ҳаддан ошма! Қанчалик мукаммал одам бўлмагин, барибир камтарона иш тут. Сен гавҳарин билан эмас, балки хислатинг билан кўкрак кер.

Назм:

***Ўлган билан фахр қилмагин, ўғлим,***
***У ўлган бўлса ҳам фанда қаҳрамон.***
***Тирик фахрланса гар ўлик билан,***
***Демак, ўлик — тирик, тирик-чи, бежон!***

**«Қонуни ҳикматдан.**

◆ Баъзан нодон кишилар ўзларига фойда келтирадиган нарса учунгина интиладилар. Уларнинг олдида нафис санъат сарлари ёки қимматбаҳо ашёларнинг қадри бўлмайди. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоятни келтирадилар.

ҲИКОЯТ. Бир хўроз донлаш учун зўр бериб тупроқни титар экан. Ногаҳон тупроқ ичидан қимматбаҳо гавҳар чиқиб қолди. «Э воҳ! — афсус билан қичқирди хўроз. — Бунинг ўрнига бир дона гуруч чиқса ҳам майли эди. Мен учун юзлаб гавҳарда бир дона гуруч минг бор афзалдир!».

◆ Номувофиқ дўст ва ҳийлакор душмандан қочмоқ ва эҳтиёт бўлмоқ барча кишилар учун зарурдир. Чунки вафосиз дўст ва қора дил душман ўз ҳамдамлари орқали ўз манфаатига етишиш учун интиладилар.

**Форс, араб тиллардан**
**Маҳмуд ҲАСНИЙ**
**таржиаси.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0715. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5